

ШАРТНОМА № 34

28.09.2022 йилдаги №152987-сонли лотга асосан
(ТРЕЛЛЕР ВОСИТАСИ ИЖАРАСИ ТЎҒРИСИДА)

“ 03 ” Октябрь 2022 йил

Фарғона шахри

“Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи раҳбар А.Зикрияев (кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) бир томондан ва **Farg'ona Ravon Yo'l Qurilish Servis x/k** номидан ўз устави асосида иш юритувчи раҳбар Д.Хомиджонов (кейинги ўринларда «БАЖАРУВЧИ» деб юритилади) иккинчи томондан бўлиб қуйидаги шартномани туздилар;

1. Шартнома мазмуни

1.1. «БУЮРТМАЧИ», «БАЖАРУВЧИ» га Треллер техникаси ижараси учун буюртма беради, «БАЖАРУВЧИ» эса буюртмага биноан Погрузчик техникаси билан таъминлайди.

2. Томонлар мажбуриятлари

2.1 Томонлар шартномани амал қилиш даврида қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.

а) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмасига асосан техник жихатдан соз машина-механизм воситаси билан таъминлайди;

б) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига тўла жавоб беради;

г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар бўйича бирламчи ҳужжатларни дарҳол расмийлаштириб, «БУЮРТМАЧИ» га тақдим этади;

д) «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширади.

д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни кафолатлайди.

е) «БАЖАРУВЧИ» ning машина-механизмларга «БУЮРТМАЧИ» томонидан қуйилган ёқилги ва мойлаш маҳсулотлари суммаси «БАЖАРУВЧИ» кўндирадиган ҳисоб-варақ фактурада чегириб ҳисоб-китоб қилинади.

ё) «БАЖАРУВЧИ» ning машина-механизмларига «БУЮРТМАЧИ» томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилса у ҳолда «БАЖАРУВЧИ» алоҳида ҳисоб-варақ фактура орқали ёздириб олади.

ж) «БУЮРТМАЧИ» машина-механизмдан фойдаланиб бўлгандан сўнг дарҳол ушбу машина-механизмни «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»га қайтаради.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	ҚҚС билан	Сумма
Треллер хизмати	сўм	1	13 043 478,26	15 000 000	15 000 000

3.1 Шартномага асосан кўзда тутилган хизматларнинг қиймати 15 000 000 (Ўн беш миллион) сўмни ташкил этади;

3.2. «БУЮРТМАЧИ», «БАЖАРУВЧИ» га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун муддат ичида олдиндан шартнома қийматининг 30 % миқдорида пул ўтказиб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми ишлар бажарилиб «БУЮРТМАЧИ» қабул қилиб олгандан сўнг тўлаб берилади.

3.3 Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив ҳужжатларга асосан ўзгариши мумкин.

3.4 «БАЖАРУВЧИ» ҳисобот ойининг 28 санасигача ҳисоб-фактура орқали кўрсатилган машина-механизм хизматини «БУЮРТМАЧИ»га тақдим қилади, «БУЮРТМАЧИ» тўлов ҳужжатларини қабул қилиб олгандан кундан тўловларни амалга оширади;

3.5. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ҳар чоракда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади;

5. Томонларнинг жавобгарликлари ва низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда «БАЖАРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.5. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида ҳал қилиб бўлмаган барча низолар туманлараро иктисодий суди орқали ҳал этилади.

